

ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.Fil/Ped.27.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ

НИЯЗОВ РАВШАН ТУРАКУЛОВИЧ

ЖОН ГРИШЭМ ИЖОДИДА ДЕТЕКТИВ РОМАНЛАРНИНГ БАДИИЙ
ЎЗИГА ХОСЛИГИ

10.00.04 – Европа, Америка ва
Австралия халқлари тили ва адабиёти

Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

ТОШКЕНТ – 2020

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of dissertation abstract of Doctor of Philosophy (PhD)

Ниязов Равшан Туракулович

Жон Гришэм ижодида детектив романларнинг бадий ўзига хослиги..... 3

Ниязов Равшан Туракулович

Художественное своеобразие детективных романов в творчестве
Джона Гришэма..... 25

Ravshan Turakulovich Niyazov

Artistic Peculiarities of Detective Novels by John Grisham..... 47

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 51

ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.Fil/Ped.27.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ

НИЯЗОВ РАВШАН ТУРАКУЛОВИЧ

ЖОН ГРИШЭМ ИЖОДИДА ДЕТЕКТИВ РОМАНЛАРНИНГ БАДИИЙ
ЎЗИГА ХОСЛИГИ

10.00.04 – Европа, Америка ва
Австралия халқлари тили ва адабиёти

Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

ТОШКЕНТ – 2020

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2019.1.PhD/Fil727 рақам билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус ва инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.uzswlu.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Лиходзиевский Анатолий Степанович
филология фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Эрматов Баходир Садикович
филология фанлари доктори (DSc)

Акобирова Сарвар Туйевна
филология фанлари номзоди, доцент

Етакчи ташкилот:

Жиззах давлат педагогика институти

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети ҳузуридаги DSc.03/30.12.2019.Fil/Ped.27.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2020 йил «28» декабрь соат 13.00 даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 100138, Тошкент шаҳри, Учтепа тумани, Кичик халқа йўли кўчаси, 21 А уй. тел: (99871) 230-12-91. факс: (99871) 230-12-92; email:uzswiu_info@mail.ru

Диссертация билан Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (17 рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100138, Тошкент шаҳри, Учтепа тумани, Кичик халқа йўли кўчаси, 21 А уй. тел: (99871) 230-12-91. факс (99871) 230-12-92.

Диссертация автореферати 2020 йил «16» декабрь куни тарқатилди.
(2020 йил «16» декабрь да 17 рақамли реестр баённомаси).



Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
раиси, филол.ф.д., профессор

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
котиби, филол.ф.д., доцент

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
қошидаги Илмий семинар раиси, филол.ф.д.,
профессор

Г.Х. Бокнева

илмий кенгаш

Х.Б. Самигова

илмий кенгаш

Ж.А. Якубов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
қошидаги Илмий семинар раиси, филол.ф.д.,
профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти. Жаҳон адабиётида детектив жанрга доир асарларнинг сони ортгани сайин адабиётшунослиқда уларнинг тадқиқига оид илмий изланишлар салмоғи ҳам ошиб бормоқда. Детектив асарлар таҳлили ва бадиий тафаккур қирраларини қайта ўрганиш, уни ўзлаштиришнинг рационал-эмоционал имкониятларини кенгайтириш, илм-фанга қўшилажак ҳиссадир. Инсон ички дунёси индивидуал қирраларини топиш, унинг ички жиҳатларини кашф қилиш, хусусан, жамиятдаги ижтимоий-ҳуқуқий муаммолар ечими, ҳуқуқий тизимини баҳолашда детектив роман имкониятларини тадқиқ этиш долзарб муаммолардан биридир.

Дунё миқёсида детектив жанрнинг тадқиқот доираси беқиёс. Унинг изланиш объекти ва жиҳатлари бадиий жараённинг деярли барча қирраларини қамраб олган. Шунингдек, Америка ва Англия адиблари Эдгар Аллан По, Артур Конан Дойл, Эрл Гарднер, Агата Кристи, Уильям Айриш, Синди Шелдон, Дэшил Хэммет, Реймонд Чандлер, Чарльз Перси Сноу, Дэвид Роулэнд Фрэнсис, Жон Гришэм ва яна бир қатор ёзувчиларнинг ижодий мероси тадқиқот доираси кенглиги билан ажралиб туради. Россия, Украина, Англияда олиб борилган тадқиқотларнинг таҳлили шуни кўрсатадики, детектив асарларни ўрганиш мақсадида амалга оширилган тадқиқотларда кўпроқ сиёсий, интеллектуал ҳамда хавфсизлик билан боғлиқ жиҳатларга алоҳида эътибор қаратилган. Ушбу диссертацияларда юридик детектив соҳа ҳақида қисман маълумотлар берилган. Шу сабабли, ҳали ҳамон чет эл адабиёти юридик детектив насри ўрганилиши лозим бўлган илмий муаммолардан бири ҳисобланади.

Ўзбекистонда детектив жанр ҳозирга қадар очилмаган кўриқ каби тўлиқ ва чуқур ўрганилмаган соҳа бўлиб, айнан америка адабиётининг юридик детектив насри бўйича илмий тадқиқотлар олиб борилмаган. Бу ҳолат илмий изланувчиларни шу йўналишни тўлиқ ўрганиш, таҳлил қилиш ва ўзбек китобхонини америка юридик детектив йўналишида ёзилган асарлар билан яқинроқ таништиришга ундайди. Айнан шу масалани Президентимиз Ўзбекистон ижодкор зиёлилари вакиллари билан учрашувдаги маърузаларида, «адабиёт ва санъатга эътибор бу, энг аввало, халққа, келажакка эътибор¹ бериш демакдир», дея таъкидлайдилар. Шу билан бир қаторда Юртбошимиз биз тадқиқотчиларга янги вазифаларни юкламоқдалар, «Биз кенг қўламли демократик ўзгаришлар, жумладан, таълим ислохотлари орқали Ўзбекистонда янги Уйғониш даври, яъни Учинчи Ренессанс пойдеворини яратишни ўзимизга асосий мақсад қилиб белгиладик. Бу ҳақда гапирар эканмиз, аввало, учинчи Ренессанснинг мазмун-моҳиятини ҳар биримиз, бутун жамиятимиз чуқур англаб олиши керак... буюк аждодларимизнинг такрорланмас ва нодир илмий-адабий мероси биз учун доимий ҳаракатдаги ҳаётий дастурга айланиши керак. Бу ўлмас мерос

¹ Адабиёт ва санъат, маданиятни ривожлантириш – халқимиз маънавий оламини юксалтиришнинг мустаҳкам пойдеворидир. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг Ўзбекистон ижодкор зиёлилари вакиллари билан учрашувдаги маърузаси // Халқ сўзи 2017 йил, 4 август.

хамиша ёнимизда бўлиб, бизга доимо куч-қувват ва илҳом бағишлаши лозим»².

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 13 майдаги ПФ-4797-сон «Алишер Навоий номидаги ўзбек тили ва адабиёти университетини ташкил этиш тўғрисида»ги, 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича «Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармонлари, 2017 йил 13 сентябрдаги ПҚ-3271-сон «Китоб маҳсулотларини нашр этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғиб қилиш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори; 2018 йил 7 августдаги «Ўзбек мумтоз ва замонавий адабиётини халқаро миқёсда ўрганиш ва тарғиб қилишнинг долзарб масалалари» мавзусидаги халқаро конференция иштирокчиларига йўллаган муурожаатномаси, 2019 йил 8 октябрдаги ПФ-5847-сон «Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги Фармони, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Диссертация республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодий шакллантириш» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Жаҳон адабиётшунослигида детектив асарлар табиати, имконияти ва қамрови бўйича муҳим илмий хулосалар³, детектив жанрнинг шаклланиш ва ривожланиш хусусиятлари, хусусан, Ж. Гришэмнинг ижоди бўйича Америка ва баъзи МДХ давлатларида бир қатор тадқиқотлар амалга оширилган. Бу борада Е.А. Савочкина, М.Г. Агеева, П.С. Бирюковаларнинг изланишларини алоҳида таъкидлаш жоиз⁴.

² Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Ўқитувчи ва мураббийлар кунига бағишланган тантанали маросимдаги нутқи <http://uza.uz/oz/documents/zbekiston-respublikasi-prezidenti-shavkat-mirziyeevning-ituv> [муурожаат санаси: 30.09.2020].

³ Адабиётшунослигимизда детектив асарлар ва уларнинг ўзига хос хусусиятлари ҳақида баъзи тадқиқотлар амалга оширилган. Жумладан, жанрнинг барча соҳалари ҳали тўлиқлигича ўрганилмаган. Фақатгина Ўзбекистонда детектив жанр бўйича тадқиқотчилар: Ирисбоев Т. 2001 йилда «Шайтанат» асари мисолида ўзбек детектив адабиётининг тараққиётини тадқиқ этган бўлса, Сулаймонов Ш. томонидан 2002 йилда ўзбек детектив насрининг келиб чиқишининг ўзига хос хусусиятлари ҳақидаги илмий тадқиқотни амалга оширган ва 2018 йилда Б. Холиков эса ўзбек ва жаҳон детектив асарларида воқеликнинг бадиий талқини хусусида изланиш олиб борган. Мазкур тадқиқотларда асосий эътибор ўзбек детектив асарларига қаратилган ва ўзбек адабиётшунослиги замирида бажарилган. Адабиётшунослигимизда юридик-детектив асари ва Жон Гришэм ижоди илмий тадқиқотчилар ва олимлар томонидан махсус илмий объект сифатида ўрганилмаган.

⁴ Савочкина Е.А. Лингвоэвокационное исследование литературно-художественного жанра юридического триллера (на материале романа J. Grisham "The Runaway Jury" и его перевода на русский язык) дис... канд. филол. наук. 2007, Агеева М.Г. Эволюция детективного романа в американской литературе XX века: диссертация ... кандидата филологических наук: 10.01.03/-Ижевск, 2014.-155с., Бирюкова П.С. Романы Джона Гришэма как произведения детективного жанра / П. С. Бирюкова // Актуальные вопросы филологической науки XXI века: сб. статей V Междунар. науч. конф. молодых ученых (12 февраля 2016 г.). — Екатеринбург: Уральский федеральный университет, 2016. — С. 254-258.

Шунингдек, Ж. Гришэм ижодига бағишланган М.Б. Прингле, М. Робинсон, К. Ишузука ва Ж. Фенимор каби бир қатор Америкалик олимларнинг чоп этилган мақола ва монографиялари ҳам таҳсинга сазовор⁵. Ушбу илмий тадқиқотларда Ж. Гришэмнинг поэтик насри, юридик-детектив романларнинг ўзига хослиги тўғрисида яхлит фикр билдирилмаган. Демак, адабий танқидда бу бўшлиқни тўлдиришга танланган мавзу тўлиқ манба бўлиши мумкин.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасаси илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетининг илмий-тадқиқот ишлари режаларига мувофиқ 2018-2020 йилларга мўлжалланган «Англия ва Америка адабиёти тарихи ва долзарб масалалари, бадиий таҳлил усул ва тамойиллари устувор илмий йўналишлари» мавзуси доирасида тайёрланган.

Тадқиқотнинг мақсади Ж. Гришэм ижоди мисолида детектив жанрнинг ривожланишини тизимли ўрганиш, ижтимоий-ахлоқий муаммоларни ёритишда муаллиф бадиий маҳорати ва ижодий услубини очиб беришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

адабиётда детектив жанр муаммосининг илмий-концептуал мазмунини атрофлича таҳлил қилиш, детектив жанрининг ўзига хослиги, сюжет, персонажларнинг характери ва адабиётдаги услубни очиб бериш; Америка насрида юридик детектив йўналишининг юзага келиш тарихини илмий нуқтаи назардан тадқиқ этиш;

Ж. Гришэм асарларида замонавий Америкадаги реал воқелик ва унинг бадиий ифодаланишини ёритиш;

адиб асарларидаги Америка ҳуқуқшунослигининг ўзига хос жиҳатларини кўрсатиб бериш;

Ж. Гришэм асарларида ижтимоий адолат ва инсон ҳуқуқлари масаласини биринчи ўринга қўйиш масаласи, усул, услубни ёритиб бериш;

ёзувчи асарларидаги биографик метод – юристлар образини ўрганиб, таҳлил этиш; жинойтчи ва жабрланувчи образларини яратишдаги ижодкорнинг индивидуал хусусиятларини очиб бериш;

Ж. Гришэм асарларидаги сюжет қурилмаси ва бадиий услуб масаласининг ўзига хослигини исботлаб беришдан иборат.

Тадқиқотнинг объекти сифатида америка адабиётининг йирик намояндаси Ж. Гришэмнинг юридик детектив асарлари танланган.

⁵ Kaufman J. Law and the Author: Grisham's Next Case // Wall Street Journal. – USA, March 10, 1992. – 16 p.; Holt P. Boy Has Key to Mob Hit in Grisham Thrillers // San Francisco Chronicle. – USA, March 4, 1993. – 5 p.; Dyer R. Grisham back on Track in "Client" // Boston Globe. – USA, March 10, 1993. – 16 p.; Maslin J. One part of Grisham, Three Parts Telling Detail // New York Times. – USA, July 20, 1994. – 11 p.; Donahue D. Grisham's Latest puts Death Penalty on Trial // USA Today. – USA, May 27, 1994. – 1 p.; Kelly K. Grisham Suits Up to Try One Last Case // USA Today. – USA, April 14, 1995. – 1 p.; Kelly K. Not So Trying Times for John Grisham // USA Today. – USA, April 17, 1995. – 2 p.; Freedland J. The Law Lord // Guardians. – USA, May 30, 1994. – 3 p.; Duffy M. Grisham's Law // Time. – USA, May 8, 1995. – 87 p.; Cook B. John Grisham Attempts a Different Kind of Legal Thriller // Chicago Tribune. – USA, June 10, 1994. – 14 p.; Colbert J. // Grisham's Latest: passing Judgement on the "Client" Chicago Tribune. – USA, March 7, 1995. – 8 p.; Bearden M. John Grisham // Publishers Weekly. – USA, February 22, 1993. – 70-71 p.; Street R. Grisham Brief // Writers Digest. – USA, July, 1992. – 32-34 p.; Scherer R. Grisham, Crichton Books Serve as a Boarding Pass // Christian Science Monitor. – USA, May 18, 1995. – 6 p.; O'Rourke A. Grisham's "The Chamber" Is Loaded with Missed Potential // Atlanta Constitution. – USA, May 26, 1994. – 27 p.

Тадқиқотнинг предметини детектив жанр тарихининг ўзига хос хусусиятлари асосларини аниқлаш, юридик детектив асарлардаги сюжет, персонажларнинг қиёсий таҳлили ва талқини ташкил этади.

Тадқиқот усуллари. Тадқиқотда Ж. Гришэмнинг юридик детектив асарларини ўрганишда қиёсий-тарихий, биографик, тавсифий-аналитик ва бадиий матн таҳлили усулларидан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

Ж. Гришэм ижодидаги юридик мавзуни баён этиш услубига хос бўлган инсоннинг жамият олдидagi жавобгарлиги концепцияси адабий-бадиий таҳлил мезонлари асосида такомиллаштирилган;

детектив асарларига оид «ижтимоий адолат» ва «инсон ҳуқуқлари» тушунчаларининг судья, адвокат, прокурор каби ҳуқуқшунос образлари билан биргаликда бадиийт оламида бир тизим асосида марказлашганлиги қиёсий таҳлил метод асосида далилланган;

XX аср иккинчи ярми – XXI аср бошидаги Америка адабий жараёни, унинг асосий йўналишлари ва оқимлари, хусусан Ж. Гришэм асарларидаги мавзулар кўлами, адиб биографияси, романнавис сифатидаги бадиий маҳорати бадиий-концептуал усул асосида далилланган;

Ж. Гришэмнинг юридик детектив йўналишидаги асарларига оид маълумотлар, уларнинг мавзуй таҳлили, хронологик ривожланиши, бунинг натижасида, Америка ҳуқуқ тизимини концептуаллаштиришга таъсир кўрсатиши тавсифий-аналитик метод асосида аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

детектив жанрининг генезиси, тарихий тараққиёт босқичлари, поэтикаси, ижтимоий, фалсафий ва эстетик омиллари ўрганилган;

детектив жанрга доир жаҳон адабиётшунослиги назарий масалалари қиёсий-чоғиштира усулга мувофиқ тадқиқ этилган;

америкалик ёзувчи Ж. Гришэм романларининг тадқиқи мисолида детектив асар сюжети, композицияси, образи, услуби сингари назарий масалалар ўрганилган ва илмий-амалий хулосалар чиқарилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги Ж. Гришэм ва унинг замондошлари бўлган атоқли адиб ва танқидчиларнинг фикрларига мурожаат қилинганлиги; назарий маълумотларнинг илмий манбаларга асосланганлиги, танлаб олинган бадиий матнларнинг тадқиқот предметига мувофиқлиги, илмий хулоса ва тавсияларнинг амалиётда жорий этилганлиги билан изоҳланади. Шунингдек, келтирилган далиллар республика ва халқаро миқёсдаги илмий конференция материаллари тўпламлари, ОАК рўйхатидаги махсус ва хорижий илмий журналларда чоп этилган мақолалар, хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалиётда жорий этилганлиги, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундаки, жаҳон адабиётида вужудга келаётган янги детектив йўналишлар, адабий шакллар ва мавзуларнинг миллий-маданий хусусиятларини ўрганиш, уларнинг ўзбек детектив адабиёти ривожига қай даражада таъсир этаётганини аниқлашга имкон беради.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти Америка адабиёти эстетикаси ва детектив асар тамойилларини янада чуқурроқ ўрганишда, шу давр ижтимоий-ҳуқуқий қарашлари ва тарихий ҳодисаларни ўрганишда, Америка адабиёти тарихи бўйича, шунингдек, филология ва юридик университет талабалари учун дарслик ва ўқув қўлланмалари ёзишда фойдаланишлари мумкинлигидадир.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ж. Гришэм юридик детектив асарларининг бадиий хусусиятлари тадқиқи натижаси асосида:

диссертациядаги инсоннинг жамият олдидаги жавобгарлигининг адабий-бадиий таҳлилига оид хулосалар, таклиф ва тавсиялардан Ф-1-ФҚ-055213-сонли «Абдулла Қаҳҳор дастхат қўлёзмалари асосида асарларининг илмий-қиёсий матнларини тайёрлаш ва нашрга ҳозирлаш» мавзусидаги фундаментал лойиҳада фойдаланилган (Ўзбекистон Маданият вазирлиги 2020 йил 5 мартдаги 01-12-10-1189 сонли маълумотномаси). Натижада, воқелик ва ижодкор шахсияти хусусидаги маълумотлар билан Абдулла Қаҳҳор уй музейини бойитишга хизмат қилган;

детектив асарларнинг ўзига хос талқини, ижтимоий адолат ва инсон ҳуқуқлари тушунчаси, судья, адвокат, прокурор ва бошқа образларнинг бадиий ўзига хослиги, инсонпарварлик ғоялари, инсоннинг шахсий муаммолари, руҳиятида юз берадиган ўзгаришлар, ёвузлик ва эзгулик ўртасидаги кураш, жиноятчининг кўнглида рўй берадиган маънавий, психологик кечинмалар, қонунбузарлик оқибатида жиноятчининг ўз фожиасига сабаб бўлгани хусусидаги фикр-мулоҳазаларнинг бадиий таҳлилига оид материалларидан Ш. Сирожиддинов раҳбарлигида бажарилган ИТД-1-119 «Ўзбек адабиёти антологияси»ни инглиз тилига таржима қилиш ва адабиётлараро коммуникация муаммолари» мавзусидаги амалий лойиҳа доирасида «Шайтанат 2-3-4-5» ва «Сарбадорлар» каби романларнинг инглиз тилига таржима қилишдаги бадиий ўзига хослигини ёритишда кенг фойдаланилган. (Ўзбекистон Республикаси Олий ва Ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 25 февралдаги 89-03-802 сонли маълумотномаси). Натижада, америка адабиётининг янги қирраларини баҳолаш ва Ж. Гришэмнинг юридик детектив йўналишдаги асарлари ҳақидаги маълумотлар лойиҳанинг назарий жиҳатларини бойитишда хизмат қилган;

тадқиқотнинг детектив жанрининг турлари, баён этилиш ва ёритилиш услублари, ўзига хос бадиий жиҳатлари, детектив асарларда қаҳрамонларнинг бадиий тасвири, юридик монолог ва диалогларнинг илмий жиҳатдан далиллангани ҳақидаги хулосалардан Ўзбекистон давлат мусикали комедия (оперетта) театрида қўйилган «Тузоқ» («Ловушка», Р. Том) детектив спектаклининг асосий моҳиятини томошабинга етказишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлигининг 2020 йил 12 мартдаги 01-12-07-1304 сонли маълумотномаси). Натижада, қаҳрамон кечинма, ҳолатларининг жонли, таъсирчан ижро этилишига хизмат қилган;

XX аср иккинчи ярми – XXI аср бошидаги Америка адабий жараёни, унинг асосий йўналишлари ва оқимлари, хусусан, юридик детектив асарларнинг ўзига хос хусусиятлари, Ж. Гришэм асарлари, мавзу қўлами, образлар олами ҳақидаги маълумотлардан Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ёш ижодкорлар билан ишлаш

бўлими қошидаги «Наср» ижодий тўгараги фаолиятида, «Наср» ижодий кенгашининг ҳисобот йиғилишида ва ёш ижодкорлар билан учрашувларда фойдаланилган (Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси 2020 йил 12 февралдаги 01-03-11/263 сонли маълумотномаси). Натижада, ёш ижодкорларни Ж. Гришэм ва замонавий детектив насри, ёзувчиларнинг фаолияти, асарлари билан таништиришда, миллатнинг ҳуқуқий саводхонлигига оммавий адабиётнинг таъсирини ёритиб беришга асосий манба бўлиб хизмат қилган;

Ж. Гришэмнинг юридик-детектив йўналишдаги асарлари ҳақидаги маълумотлар, уларнинг мазмун-моҳияти, таҳлили ва илмий асоси, ўзига хос хусусиятлари, жаҳон адабиёти ва айнан Америка адабиёти юридик-детектив жанрининг ривожланишида тутган ўрни ва аҳамияти, детектив жанрининг ўзгача ўрни ҳамда бадиияти ҳақидаги маълумотлардан «O'zbekiston tarixi» телеканалининг «Xayrli kun» кўрсатувидаги «Жаҳон адабиёти дидактикаси» мавзусидаги илмий-амалий семинарларда ҳам фойдаланилган (Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси давлат унитар корхонаси 2020 йил 28 февралдаги 02-40-470 сонли маълумотномаси). Натижада, эшиттиришларнинг объектив тайёрланиши, маънавий таъсирчанлиги, бадиий эмоционаллиги ва тарбиявий аҳамиятининг ошишига эришилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 6 та, жумладан, 3 та халқаро ва 3 та республика илмий-амалий конференцияларида апробациядан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 24 та илмий иш чоп этилган, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 11 та мақола, жумладан, 6 таси республика ва 5 таси хорижий журналларда чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан ташкил топган бўлиб, умумий ҳажми 154 саҳифадан иборат.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, республика фан ва технологиялар ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий-амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиниши, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Тадқиқотнинг биринчи боби «**Америка адабиётида детектив жанрининг шаклланиши ва йўналишлари**» деб номланиб, жаҳон адабиётшунослигида узоқ йиллардан буён муҳокама қилиб келинаётган «детектив асар» тушунчаси, унинг мазмун-моҳияти, шакл ва тури, бадииятдаги мақоми билан ўзига хослигини ҳисобга олганда, хатто ушбу тушунчанинг ўзи ҳақидаги

билдирилган фикрлар турли-туман, баъзан эса ўта зиддиятли бўлиб, ҳозирга қадар ушбу жанр назарияси яхлит ва тугал кўриниш олган эмас⁶.

Ўзбекистон халқ ёзувчиси Худойберди Тўхтабоевнинг бу борадаги фикрлари аҳамиятга молик: «Жанрнинг энг катта талабларидан бири шуки, курашга тушаётган томонларнинг имконияти тенг белгиланиши керак. Қотил ғоят тажрибали бўлиб, изқувар нўноқ бўлса, «ўйин» тартиби бузилган бўлади. Ёки, аксинча, изқувар ўта тажрибали бўлиб, қотил ландовур бўлса, бунда ҳам асар китобхон эътиборини тортолмай қолади. Яъни, ёзувчи ҳар икки томоннинг топқирлиги, хушёрлиги, жасорати ва тафаккурининг олишувини кузатиб боради. Детектив жанрнинг яна бир талаби асардаги бош мотив қотилни ахтариш мотивидан бошқа мотивлар: ижтимоий ва муҳаббат мотиви сингари зинҳор устун бўлмаслиги керак, хуллас, детективларнинг ўзаро келиша олган талайгина шартлари бор...»⁷.

Детектив асарларнинг жанр хусусиятларидан бири – инсон ҳаётига қилинган суиқасд ёки тажовуз сабаби ва ечимини ҳал этишнинг асосий воқеа фонида кечишидир. Унда инсон ҳаётининг барча қирралари эмас, фақат ғайриоддий, фавкулудда, янада аниқроқ айтганда, сирли томони асосий планда тасвирланади. Табиийки, ғайриоддийликда ўзига тортиш кучи кучлироқ бўлади.

Жаҳон адабиётида детектив насри узоқ тарихга эга бўлиб, бу жанрда Америка ва Англия адибларидан Эдгар Аллан По, Артур Конан Дойл, Эрл Гарднер, Агата Кристи, Уильям Айриш, Синди Шелдон ва Скотт Туров каби машҳур адиблар ижод қилганлар. Кейинчалик адабий турлар бўлингани каби детектив жанр ҳам бир неча тармоқ ва йўналишларга бўлиниб кетди. Биргина детектив романнинг ўзи *классик ёки интеллектуал детектив, илмий, гангстерлик, сиёсий, психологик, мистик, фантастик, жиноий, жангари, юридик* ёки ёшига қараб *болалар детективлари*га бўлинган. Маълумотга кўра, Иккинчи жаҳон урушига қадар детектив Франция, Англия ва Америкада кенг ёйилган. XVII аср ўрталарида Британияда *detective*⁸ атамаси жиноят қидирув зобити лавозимига нисбатан қўлланилган.

Биринчи жаҳон уруши детектив роман характерини сезиларли даражада ўзгартирди. Бу даврдаги муаммолар кўлами ҳикоядан кўра каттароқ ҳажмни талаб қиларди. Ҳикоядаги сиқиклик, кичик воқелик баёни детективнинг кенглигига жавоб бера олмади. Омма назарига тушган бу асарлар китобхон талабига кўра, «миридан-сиригача» тасвир этишни тақозо этди. Ҳикояга эса бу баён сиғмасди. Шу боис, детектив асарлар кенг қамровли – роман жанрида ижод қилина бошланди. Роман ҳикояни шакл жиҳатдан сиқиб чиқарди. Чунки роман ҳикоядан кўра мураккаб сюжетлар, олдиндан кўриб бўлмас фитналар ва ечимларни кенг ифодалаш имкониятини берарди.

XX асрга келиб, Америка детектив романчилиги сифат ва мазмун жиҳатдан юксалди. Бу даврда детектив романларнинг «кескин ёки

⁶ Холиков Б.А. Детектив романларда воқеликнинг бадиий талқинини тизимли моделлаштириш (Марио Пьюзонинг «Чўқинтирган ота» (“The Godfather”) ва Тоҳир Маликнинг «Шайтанат» асарлари мисолида) Филол. фан. фалсафа доктори дис. – Т.: 2018. – 170 б.

⁷ Тўхтабоев Х. Истеъдод қирраси // – Т.: Ёш гвардия, 1983. – Б 112, б. 3-4.

⁸ *Detective*. <http://wikipedia.org/wiki/Detective>.

шиддатли» (hard-boiled) детектив, детектив «полиция иш жараёнлари» (police procedural) ва юридик иш жараёнлари детективи ёки юридик триллер (legal procedure or legal thriller) каби турлари юзага келди⁹.

Шунингдек, детектив асарлар миллий маданиятнинг ўзига хос намуналарини таклиф этиши ҳам таъкидланади. А. Кристи, Ч. Сноу, Д. Френсиснинг ижоди қуйидаги параметрлар бўйича тадқиқ этилади: 1. Мазкур адиблар ижоди ярим асрдан кўпроқ вақт мобайнида детектив романнинг ўсиш динамикасини кўрсатади. 2. Британияликларнинг менталитетини тарихий тадрижий соҳада тадқиқ этиш имкониятини беради. 3. Инглиз концептосферасининг кўп қиррали британияликларнинг ажралмас тушунчаси (онги) бўлмиш кундалик турмуш тарзи, спорт ва ҳордиқ олиш ҳақидаги тушунчаларига нигоҳ ташлаш имкониятини беради. Бора-бора детектив асар жаҳон адабиётининг ривожланиб бориш жараёнида тенг ҳуқуқли ва залворли жанр ҳисоблана бошлади. Бунга мисол қилиб, А. Конан Дойл, Г.К. Честертон, Д. Хеммет, Р.О. Фримен, С.С. Ван Дайн, Д. Сейерс, Р. Нокс, М. Леблан, К. Авелин, Д.Д. Карр, Ф. Глаузер, Э.С. Гарднер, М. Аллен, С. Моэм, Р. Стаут, Э. Куин, Р. Чандлер, Ж. Сименон, Б. Нарсежак, А. Кристи, Х.Л. Борхес ва Г. Анджапаридзеларнинг асарларидан келтирилган иқтибосларни таъкидлаб ўтиш ўринли. Детектив романга бир неча бор чинакам адабий асарларнинг акси деб қаралиб, «бир чақага арзимайдиган» деб ҳисобланиши адабиётшуносларнинг ўз адабий жанрининг ҳақиқий даҳолари билан бир қаторда, ноинсоф муаллифларнинг ҳам мавжуд эканлигини уқтириши билан баҳолаб келинган. Р. Чандлер ҳам айти шундай қарашни ёқлаб: «Шунга қарамай, энг анъанавий шаклдаги детектив асарни ёзмақлик ҳам жуда мушкул ишлардандир...», дейди¹⁰. Бундан ташқари, муаллиф детектив романнинг пайдо бўлиши инсонларнинг ижтимоий ҳамда маданий эҳтиёжларини қондира оладиган қонуний ҳамда тарихий тараққиёт жараёни эканлигини таъкидлайди.

Умуман олганда, детектив шаклланиб боришининг ўзига хослиги ҳали-ҳануз адабиётшунослар орасида кенг баҳс-мунозараларга сабаб бўлмоқда. Детектив асарни ўзига хос жанр деб ўрганишдан аввал, шуни тушуниш керакки, ушбу жанр адабиётнинг бир бўлаги сифатида барча жанрлар қонун-қоидаларга бўйсунадиган ва умуман адабий таҳлил учун яратилган категория ва тушунчалар унда акс этади.

Хулоса тарзида айтиш керакки, адабиётда детектив асарларнинг пайдо бўлиши, шаклланиши, ривожланиши ва бугунги кунга келиб, омманинг эътирофи ва эътиборига сазовор бўлиши ўзига хос тарихни ўз ичига олади. Детектив асарларнинг генезиси ва тараққиётини ўрганиш асосида адабиётшуносликда қатор тадқиқотлар юзага келган бўлиб, мазкур ишларда детективлик ҳодисасига

⁹ Poe E.A. Introduction to Detective Fiction // ed. By Ph. Stern. – New York: Penguin Books, 1983. – 664 p. Кескин ёки шиддатли детектив асосчилари Дешил Хэммет (D.Hammett, 1894-1961) ва Р. Чандлер (R. Chandler, 1888- 1959) ҳисобланади, бу жанр 1920 йилларда Американинг ижтимоий ўзига хос шароитларида яратилган. «Полиция иш жараёнлари» детективи йуналишининг яна бир ёрқин намояндаларидан бири америкалик ёзувчи Э. Макбейн (E.MacVain, 1926 – 2005) ҳисобланади.

¹⁰ Чандлер Р. Просто искусство убивать // Сборник романов. – М.: РИПОЛ КЛАССИК, 1999. –166с., С. 800.

кенг ва атрофлича баҳо берилган. Тадқиқотларда детектив асарларнинг илк намуналари халқ оғзаки ижодига бориб боғланиши, кейинчалик публицистика ва унинг ривожига самарали таъсир кўрсатгани билан асосланган.

Диссертациянинг иккинчи боби «**Жон Гришэм ва унинг Америка детектив романчилигидаги ўрни**» деб номланган бўлиб, Ж.Гришэмнинг асарларида қаҳрамонлар – юриспруденция вакиллари ва уларнинг зидди – конунбузарлар бўлган, улар «суд детективи» ёки «юридик триллер» деб ҳам аталган. Унинг асарларида суд жараёнларининг қизғин баҳслари, содир этилган жиноятнинг даҳшати, инсон руҳиятига таъсири, қабоҳат ва адолат ўртасидаги кураш ёрқин тасвирланган.

Ж. Гришэм асарларида тергов ва суд процесси жараёнлари устуворлик қилади. Ёзувчининг «Қотиллик вақти» «Мижоз», «Камера» ва «Суд қарори учун тўлов» асарларида айнан шу ҳолатларни кўриш мумкин. Унинг романларини ўқиш жараёнида юридик соҳа атамаларига кўп дуч келинади. Адиб томонидан Оқ уй маъмурияти, ФҚБ ва бир неча вакиллик органлари ҳақида ҳам маълумот берилади. Асарларининг баъзиларида юқорида санаб ўтилган органларнинг иш жараёнида йўл қўйиладиган хато ва камчиликлар қораланган. Айниқса, коррупция гирдобига айланган Америка Оқ уй маъмурияти, адлия, суд ва прокуратура тизимлари кескин танқид қилинади¹¹.

Нима сабабдан Ж. Гришэмнинг китоблари севиб мутолаа қилинади, деган савол туғилади. Ж. Гришэм асарлари борасида бу каби саволлар кўп берилган. Флорида штатининг Бота Ракон шаҳридаги Ж. Гришэмнинг асарлар тақдиротига йиғилган уч минг одамни ўқиш маданияти, «дид» ва «хукм» орасидаги фарқ ўйлантириб қўйганлигини «Атланта» журнали таъкидлаган. Ундаги фикрга кўра, «*Гришэм асарлари китобхонларида бу икки фазилатдан ҳеч бириси йўқ*» бўлган¹². Аслида, самолёт бортида Ж. Гришэм асарларини ўқиб кетаётган одамлар турли ирқ, динга мансуб, турли хил касб эгалари бўлиб, оддий коллеж талабасидан тортиб, йирик компания вакилигача бўлган китобхонлар ёзувчи асарларини ўқишдан тўхтамаган.

Ж. Гришэмнинг “The Client” («Мижоз») номли асарида балоғат ёшидаги боланинг ҳаётдаги турли қийинчиликларни енга олиши, ҳатто катталар бардош беролмайдиган улкан жавобгарликдан қочмай, мустақил қарор қабул қилиб, турли тўсиқларни енгиб ўтиши, моддий манфаатдор бўладиган муаммони яқка ўзи ҳал этиши ўзига хос тарзда очиб берилган. “The Chamber” («Камера») асарида эса маҳбус руҳиятининг тадрижий равишда ўзгариб бориши, муаллифнинг “The Pelican Brief” («Пеликанлар иши»)да бугунги кунда ҳам рўй бераётган экологик муаммолар ўзига хос тарзда бадиий таҳлил қилингани кузатилади.

Ж. Гришэм аввалги романларидан фарқли ўлароқ, «Мижоз»нинг бобларига манзара қўшмасдан, муайян персонажлар гуруҳига кўпроқ эътибор қаратади. Бу ҳаракатни сустлаштиради ва натижада, айрим танқидчилар таъбири билан айтганда, «оғир қадам босиш» бўлиб таърифланади. Америкалик

¹¹ Pringle M. B. John Grisham: a Critical Companion. Westport, CT. – London: Greenwood Press, 1997. – P. 109.

¹² Skube M. Taste and Judgement Are Odd Companions // Atlanta Journal Constitution. – USA, April 18, 1993. – 10 p. (“readers of Grisham’s books lack both”).

адабий танқидчи Холт Патрисиа бу хусусда шундай дейди: «романнинг ҳажми «аслига қараганда икки баробар узун», улар Америкада ишлаб турган қонун тизимига бадиий ёндашиб, бу тизимни яхши ёки ёмон тарафга ўзгариши учун ундаши сезилади»¹³. Қонунга бўйсунмайдиган юристлар Ж. Гришэмнинг қахрамонларига хос фазилятдир. Бундай қахрамонлар Ж. Гришэмнинг «Фирма», «Пеликанлар иши», «Валинеъмат», «Суд қарори учун тўлов» романларида учрайди ва бу қахрамонлар қонун дунёсидаги ўз мансабларини суиистеъмол қиладилар. Бир қарашда, ҳакамлар институти худди шундай баҳоланадики, унинг учта асосий камчилиги ҳам мавжуд:

Биринчидан, унинг қарорларини олдиндан айтиб бўлмайди; иккинчидан, суднинг шахсий таркиби – бу шундай объектки, у даъвогар ва судланувчи томонидан манипуляция қилинади, яъни бошқарилади. Чунки, уларнинг вазифаси ўзлари учун керак бўлган ҳукмни чиқаришдир. Учинчидан, суд хизматчиларининг касбий маҳорати паст бўлганлиги сабабли, улар қарор қабул қилиш вақтида ўз ҳиссиётларига бериладилар. «Энг муҳими – ҳакамлар. Айбдорлик айбсизликка қарши. Озодлик қамоққа қарши. Ҳаёт ўлимга қарши. Бу нарсаларни судья ҳал қилади. Тирик жоннинг бир бутун ҳаётини 12 нафар бетайин ва қонунни етарли даражада тушунмайдиган инсонларга топшириш – ишончсиз нарса»¹⁴.

Шу ўринда айтиш мумкинки, Ж. Гришэм юридик триллер йўналишининг энг ёрқин ва машҳур вакили ҳисобланади. Зеро, Д. Хэммет, Р. Чандлер, Э. Макбейн ва Ж. Гришэм асарлари «кескин ёки шиддатли» детектив, «полиция иш жараёнлари» детективи ва юридик иш жараёнлари детективи ёки юридик триллер¹⁵ сифатида таҳлил этилиб, бу ёзувчиларнинг асарларини етук адабиёт намуналари деб, ижодларини эса юксак маҳорат эгалари деб баҳолаш мумкин.

Ж. Гришэм ўзининг қатор асарлари билан АҚШ қонунчилигини бор бўйи-басти билан очишга интилган ва бу борада қатор вазифаларни бажариб, Америка адабиётида ўз ўрнини топа олган адиб, деб айтишимиз мумкин.

Ж. Гришэм детектив асарларининг бадиий қобиғи китобхоннинг асардаги воқеаларни илғаб олишга бўлган ўз «кашфиёти» унда бир қатор илмий билимларни эгаллашни тақозо этади. Ж. Гришэм детектив асарларининг мутолааси инсондаги ҳиссий ва образли фикрлашни ўстириб, ундаги ички яратувчанлик ва ижодкорлик хусусиятларини яққол англаш ва таҳлил қила олишдек етуклик даражасига жадал ўтиб борадиган ҳамда ўз шахсиятини шакллантириб боришига ҳисса қўшадиган ҳодиса эканлигига амин бўламиз.

Ж. Гришэм “The Pelican Brief” («Пеликанлар иши») романини қандай яратганини қуйидагича изоҳлайди: «Мени ҳаммиса Олий суд қарорларининг

¹³ Holt P. Boy Has Key to Mob Hit in Grisham Thrillers // San Francisco Chronicle. – USA, March 4, 1993. – 5 p. “novel’s length “twice as long as it should be» that they felt mired down an otherwise engrossing fictional look at the American legal system at work, for better or worse”.

¹⁴ Grisham J. The Chamber // New York Bantam Doubleday Dell. – USA, 1994. – P.208 “The jury is all important. Guilt versus innocence. Freedom versus prison. Life versus death. All to be determined by the jury. It’s a fragile system, this trusting of lives to twelve average, ordinary people who do not understand the law and are intimidated by the process”

¹⁵ Morris H. H. Dashiell Hammett in the Wasteland // The Midwest Quarterly. 1978. Vol. XIX. №. 2. P. 196.

оқибатлари безовта қилиб келган. Овоз беришда беш нафар одамга тўрт нафар одам тўғри келган. Бу ҳолатда судьялар ўртасида чуқур бўлиниш (ажралиш) юз бериши мумкин. Бир нафар одамнинг овоз бериши ёки бермаслиги бутун суд қарорини тескарисига айлантириши мумкин»¹⁶ бўлган.

Адолат мезони ҳисобланган ҳаёт ҳақиқати унинг тескари – кишиларнинг ҳуқуқи, манфаати ва эҳтиёжларига путур етгани сари, бу каби ҳодисалар тоталитар давлат жамият бошқаруви сиёсатига асос бўлиб, адолатсизликларга кенг йўл очиб берган. Шунинг учун, биринчидан жамиятда адолатсизлик ҳукмрон бўлар экан, демократиянинг қарор топиш ҳақида сўз бўлиши даргумон. Зеро, демократия бу – энг аввало, адолат демакдир. Иккинчидан, ижтимоий адолат мезонларига тубдан зид бўлган ҳаракат ва интилишларнинг ҳар қандай кўриниши авж олганда жамиятда инқироз, ичдан емирилишлар юзага келган. Учинчидан, адолатсизлик ҳукм сурган жамиятнинг сиёсий ҳаётида салбий оқибатлар фақат муайян ҳудуддаги айрим миллат, элатлар учун эмас, балки минтақавий, ҳатто глобал масштабда ҳам намоён бўлган. Ж. Гришэм ўз асарларида айтиш мумкин бу масалалар хусусида баҳс юритган ва ўзининг адолат, қонунийлик, инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари борасидаги қарашларини баён этган.

Диссертация ишининг учинчи боби «**Жон Гришэмнинг асарлари ва ёзувчининг бадиий маҳорати**» деб номланган. Ж. Гришэмнинг «Қотиллик вақти», «Фирма», «Пеликанлар иши», «Мижоз», «Камера» ва «Суд қарори учун тўлов» асарларида қизиқарли ва оқибати жиҳатидан жамиятдаги долзарб масалалар кўтарилганлиги билан алоҳида аҳамият касб этади. Ж. Гришэмнинг «Қотиллик вақти», «Фирма» номли асарлари муаллиф қаламини чархлаган ва севиб ўқилган асарлардан саналади. Ёзувчининг «Пеликанлар иши» романи 1994 йили нашрдан чиққан бўлиб, кўплаб ўқувчилар эътиборини ўзига тортган. «Мижоз» ва «Камера» асарлари ҳам кўп баҳс-мунозараларга сабаб бўлган. 1995 йил ижоди маҳсули бўлган «Валинеъмат» ва 1999 йилда ёзилган «Васият» сахна юзини кўрган бўлса, 2000 йили «Шантаж» асари сахнага чиққан ва жамиятдаги ғайриинсоний тамойиллардан чекиниб, инсоний ҳисларга бўйсуниб яшаш кераклигини таъкидлаб келадиган адабиёт маҳсули сифатида эътиборга тушган.

1996 йили ёзилган «Ҳакамлик» асари эса 2003 йилда «Суд қарори учун тўлов» номи билан жаҳон кино экранларига чиқиб, муаллифга катта шуҳрат олиб келди. 2003 йилда ёзилган «Мурасасоз қирол» («King of torts») асарида у суд нозирларидан бўлмиш давлат ҳимоячиси Клей Картер ҳаёти ҳақида ҳикоя қилади.

Ж. Гришэм асарларининг асосий қаҳрамонлари Ғарб адабиётига хос қаҳрамонлар каби ёлғиз яшовчи инсонлардир. Ҳаттоки, Ж. Гришэмнинг аёл қаҳрамонлари – Дарби Шоу ва Регги Лавлар ҳам ёлғиз ҳаёт кечирувчи адвокатлардир. «Пеликанлар иши»да адвокат қаҳрамон асарнинг

¹⁶ Pringle M.B. John Grisham: a Critical Companion // Westport, CT. – London: Greenwood Press, 1997. – 57 p. “I have always been intrigued by the far-reaching decisions of the Supreme Court that come on 5-4 vote. We are talking about a bitterly divided court. We are talking about one-vote differences where the outcome would be just the opposite”.

бошланишида вафот этади, «Мижоз» асаридаги Регги Лав ҳам ўз турмуш ўртоғи билан ажрашиб кетади. Ҳар иккала китобнинг сюжетида кўра, асар бош персонажларининг ёлғиз иш кўрганлигини кўриш мумкин, аммо вақти-вақти билан уларга кимдир ёрдам кўлини чўзиб турган. Адабий етакчилардан ташқари, юридик триллер романларининг ўз издошлари ҳам мавжуд. Одатда, «*илмий фантастикада шахсий қараишлар, махфий қараишлар ва диний қараишлар*» мавжуддир»¹⁷. Мазкур хаёлий қаҳрамонлар асардаги содир бўлиши мумкин бўлган воқеаларга ишора қилади.

Америка жамиятида ота-она сифатида катталар болаларга нисбатан муайян ҳуқуқларга эга бўлади, аммо, айтиб бериш керак, ўз мажбуриятларини ҳам унутмаслиги керак. Ўша жамиятда, аслида, ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларидан тўғри фойдаланмоқчи бўлса, ўз фарзандига нисбатан яхши муносабатда бўлиши лозим. Шу каби ўткир сюжетли «Суд қарори учун тўлов» асарида Ж. Гришэм кишилик жамиятининг парадоксал (ғайритабиий) одатларини очиб берган. Унда қонун ва қонунсизлик, адолат, адолатсизлик, огоҳлик ва лоқайдлик, бойлик ва қашшоқлик тушунчалари ўртасидаги тўқнашув ёрқин акс эттирилган.

Ж. Гришэм асарларида юридик мавзуни услуб, усулларини ўрганиш ва таҳлил қилиш натижасида шу нарса маълум бўлдики, Ғарб дунёсида устувор ҳисобланадиган қадриятлар сифатида, шахсий эркинлик ва индивидуал ҳуқуқлар, шунингдек, ўзлигини намоён қилиш эркинлиги устун қўйилса, Шарқ маданиятида устуворлик жамоа манфаатлари, оила шаъни, муқаддаслиги, ижтимоий анъана ва тартиботлар, катталарга ҳурмат каби қадриятлар яққол намоён бўлади.

Хуллас, детектив адабиётдаги изқувар, гумонланувчи жиноятининг исботи ва ашёвий далилларни тўплаш орқали, демократик жамиятнинг принциплари бўлмиш инсон ҳақ-ҳуқуқлари, одил судлов ва айбсизлик презумпцияси тамойилига қарата, яъни шахснинг қонунбузарлиги исботламагунча уни айбдор деб эълон қилмаслик принципларини олға суради.

Ж. Гришэм, одатда, асар эпизодини бош қаҳрамоннинг исми, ҳодиса содир бўлган сана ёки куннинг бир қисмига ишора билан бошлайди. Асар ёзишда қўлланиладиган бу усул китобхонга муаммо ечимига олиб борадиган, энг сўнгги янгиликлардан огоҳ этадиган зукко ҳикоянавис томонидан етаклаб борилаётганлигини ҳис қилиш имконини беради. Ёзувчи асар қаҳрамонларининг хатти-ҳаракатлари билан бир қаторда, ички кечинмаларини ҳам баён қилган. Ж. Гришэм асаридаги умумий камчилик – бу асар қаҳрамонларини гавдалантириш. Яъни, ҳақиқий бўлиб кўринадиган тўқима персонажлар яратилишининг асар сюжетида охириги ўринда келишидир. Ушбу умумийлик «Қотиллик вақти» асарига ҳам хос. Бу хусусият муаллифнинг бошқа асарларида кўзга кам ташланади. Очиги, Ж. Гришэм Жейк Бригенни ёқтиради ва китобхон ҳам уни ёқтириб қолишини хоҳлайди, шу сабабли

¹⁷ Baker R.A. and Michael T.N. Private Eyes: One Hundred and One Knights - A Survey of American Detective Fiction. – Bowling Green: Bowling Green State University Press, 1985. – P.11. “*science-fiction private eyes, occult private eyes and religious private eyes*”

ёлғизликни севувчи тўқима-адвокат образини яратишга эътибор қаратади. Эҳтимол, Ж. Гришэмнинг Жейкка нисбатан муҳаббатига жиддий сабаб бордир.

Ж. Гришэм асар ҳақида шундай дейди: «Бу китобда кўпгина таржимаи ҳоллар мавжуд. Мен ортиқ ҳуқуқ соҳасига қўл урмайман, бироқ 10 йил ичида Жейк Бригенс каби ҳуқуқ соҳасида фаолият кўрсатганман. Мен ҳеч қачон одамларни, банклар, суғурта компаниялари ёки катта ташкилотларни ҳимоя қилмаганман. Мен шахсий адвокат бўлиб ишлаганман. Асаримдаги Жейк билан ёшимиз тенг. Унинг гапирган гаплари, қилган ишларининг кўпи мен ўйлаган, айтмоқчи бўлган ва ўша ҳолатларда қиладиган ишларимдир. Иккимиз ҳам қотиллик ишларида тоқат қилиб бўлмас босимни ҳис этамиз ва мен бунни ҳикояга туширишга ҳаракат қилганман. Биз иккимиз ҳам мижозлар учун уйқумиздан воз кечган ва бир неча бор суд залларининг кутиш хонасида ўзимизни ёмон ҳис қилганларданмиз»¹⁸.

Ж. Гришэмнинг барча қаҳрамонлари унинг мамлакатдаги ҳуқуқ тизимидан норози эканини кўрсатади. «Қотиллик вақти» романида Джейк Брайгенснинг юқори лавозимдаги касбдошининг айтишича, бу жараён суд тизимининг сифатини намоён қилади: «*Тизим ўзида жамиятнинг ҳолатини акс эттиради. Тизим ҳар доим ҳам адолатли эмас, аммо Нью-Йорк, Массачусетс ёки Калифорния штатидаги тизимдан адолатлироқдир. У шунчалик адолатлики, инсоннинг ўзи уни ўз ҳиссиётларига бўйсундира олади*»¹⁹.

Ж. Гришэмнинг назарида, Карл Хейли ва унинг укаси Лестер ҳам эзгулик тарафида иш юритади. Билли Рей Кобб ва Пити Уиллард қилган иши учун ўлимга муносиб, Карл Хейли эса қасос олишга муносиб фаришта сингаридир. Карл Хейли уруш қаҳрамони, масъулиятли турмуш ўртоғи, ота, содиқ дўст ва акадир. Билли Рей ва Питини ўлдиргач, у Жейкка уларнинг «ота-онаси» учун қанчалик афсусдалигини айтади. Лестер Хейлий Чикагодан қайтган заҳоти унга жиянига қилинган ҳужум ҳақида айтишади. Асарнинг сўнгигача у акаси томонида туради.

Тарозининг иккинчи палласида ёвузликнинг икки юзли кучлари – Билли Рей ва Пити томонидан намоён қилинади. Аллақачон Парчмандаги қамокхонада қамалиб чиққан 23 ёшли Билли Рейни Ж. Гришэм қора дори сотадиган «кичик безори» деб келтирилади. Асардаги бу образларни ёзувчи қора бўёқлар билан тасвирлайди. Уларнинг 10 ёшли қизалоққа нисбатан қилган зулм ва зўравонлигини нафрат билан ифодалайдики, бу ҳис ўқувчида ҳам шундай кайфиятни уйғотади. Ўн ёшли Тонянинг номусини топтаб, уриб ҳамма жойини жароҳатлаб, эманга осиб қўйиб ҳам ваҳшийликдан қонмаган Билли ва Пити қиёфасини ёзувчи шундай тасвирлайди.

Биллининг қўлида тиво идиши яримлаб ва илиб қолган эди. Шу сабабли у биринчилардан бўлиб қизни нишонга олди ва бор кучи билан қизчага улоқтирди. Идиши қизчанинг қорнига тегди ва қизчанинг бутун баданини

¹⁸ Pringle M.B. John Grisham: a Critical Companion // Westport, CT; – London: Greenwood Press, 1997. – P. 54

¹⁹ Агеева М.Г. Человек и система в юридическом триллере Джона Гришэма. // Вестник Удмурцкого университета. № 5. вып. 2. спецвып. Филологические науки. – Россия, 2007. – С. 3-12. “*The system reflects society. It’s not always fair, but it’s as fair as the system in New York, or Massachusetts, or California. It’s as fair as biased, emotional humans can make it*”.

кўпикка тўлдирди. Икки блок ҳар бирида олтидан пиво бўлган қадоқдан бирин-кетин пиволарни олиб бир икки ҳўплаб бўлгач, пиво идишларни қизчага улоқтиришиди. Уиллард мерганликда нўноқроқ, лекин Билли ҳар гал нишонни тўғри оларди ва қизчани қайта ва қайта азобларди. Илиб қолган пиво қизчанинг қони билан аралашиб кетди, унинг юзи, бўйни ва бутун танасидан оқиб тушиб қон ва пиво аралашмаси унинг тагида кулмак ҳосил қилган эди. Лекин қизча қимирламасдан ҳаракатсиз ётар эди.

Уиллард Коббдан хабаши қизча ўлиб қолмадими, деб сўради. Шунда Билли янги идишдаги пивони оча туриб қора танлиларни дўппослаб ва зўрлаб ўлдириб бўлмаслигини тушунтирди. Агар қора танлини ўлдирмоқчи бўлсанг сенга жиддийроқ нарсалар, яъни: пичоқ, пистолет ёки арқон керак бўлади. Қора танлиларнинг зуваласи бошқа лойдан ясалган бўлади, шу сабабли улар осонлик билан жон беришмайди, деди²⁰.

Инсон қачон ахлоқ қонун-қоидасидан чекинади? Инсоний руҳ мағлуб бўлиб, ҳайвоний ҳирс ва нафс ғолиб келганда. Ж. Гришэм Билли Рей ва Пити образи орқали жамиятда шундай ҳайвонсифат одамлар мавжудлиги туфайли, маънавий олам ва инсонийлик таназзулга юз тутаётганини кўрсатади. Бундай одамларда на ахлоқ, на дин ва на ор-номус туйғуси борлигини таъкидлайди. Ҳеч нарса улар учун муқаддас саналмайди. Ёзувчи инсониятни ҳалокатга етакловчи бундай одамларни жамиятдан супуриб ташлаш керак, деган хулосага келади. Карл Хейли қўли билан уларни шафқатсиз тарзда отиб ташлайди. Аслида, Карл Хейли икки инсон жонига қасд қилди. У ҳам жиноятчи. Лекин ёзувчи уни оқлайди. Карлни ор-номус, ғурур ҳимоячиси тимсоли сифатида тасвирлайди. Карл орқали ирқий камситиш, инсоннинг инсон томонидан хўрланиши, азобланишига қарши исёнини намоиш этади. Америка ҳуқуқ тизимининг бўш жойларини, адолат мезонидан чекинган, фақат қоғозларга қараб иш юритиб, ҳукм чиқарилишини танқид қилади. Ҳақиқат ва адолатни мезонга, меъёр қолипларига солиб бўлмаслигини, у юрак орқали англаниши, тасдиқланишини иқрор этади. Бу жиҳатдан адвокат Жейкнинг асар сўнгидаги монологи диққатга сазовор. Жейк тилидан айтилган ушбу сўзларни ёзувчининг нуқтаи назари, ўз хулосаси десак хато бўлмайди.

«Мен сизлар учун ажойиб нутқ тайёрладим, худди барча яхши адвокатлар каби. Лекин, мен уни ўқиб беришни хоҳламайман. Мен бу ерга ўзгарishi учун келдим. Мен ёш ва тажрибасизман, айнан шулардан Карл Хейли жабрланиши керак эмас. Юридик соҳадаги найрангларда кўп нарса йўқолди. Айни шу йўқолган нарса бу адолат ва ҳақиқатдир. Биз юристлар адолат ҳақида гапиришимиз эмас, балки уни қидиришимиз ва уни топиб, ҳаётга татбиқ қилишимиз керак. Менинг устозим айнан шу нарсани ўргатган. Адолат қани, у қаерда? Биз адолатни онгимиздан ёки юрагимиздан қидирамизми? Мен бу суд ишига қўл урганимда қора танлиларнинг жанубий ҳудудларда адолатга эришишига умид қилишларини хоҳлаган эдим. Ҳамманинг қонун олдида тенг ҳуқуқли эканлигини яна бир бор исботламоқчи эдим. Қонуннинг кўзлари бу сизнинг ва менинг кўзларимдир. Агар биз тенг ҳуқуқли бўлмасак, адолат ҳам

²⁰ Grisham J. A Time to Kill. – New York: Bantam Doubleday Dell 1989. – P. 235.

қарор топмайди, адолатсизлик эса бизнинг бемулоҳазалигимиз натижасида юзага чиқиши мумкин. Шундан келиб чиқиб, биз Худонинг олдида вазифамиз адолатни онг, қўрқув, газаб, қасос ва кўзларимиз билан эмас, балки юрагимиз, қалбимиз билан ҳис қилишимиз керак. Бундан бошқа илож йўқ.»²¹

Бу сатрлар, ифодасига кўра, оддий бўлиши мумкин. Унда моҳирона бадиий нутқ, рамзий-мажозийлик, поэтик ифодадаги юксаклик ҳам йўқ. Лекин бу оддийликда бир ҳақиқат – 15 йиллик тажрибадан юзага келган буюк хулоса мавжуд: *«Биз Худонинг олдидаги вазифамиз: адолатни онг, қўрқув, газаб, қасос ва кўзларимиз билан эмас, балки, қалбимиз билан ҳис қилишимиз керак»²²*. Бизнингча, шу боис ҳам омма Ж. Гришэм ижодига ташна, уни ўқийди, ундан маънавий озуқа олади. Бошқа ёзувчилар сингари Ж. Гришэм ҳам образларни шакллантиришда уч усулдан фойдаланган: китобхонларга уларнинг кимлиги ва нима ҳақида ўйлашини айтиш орқали; образларни маълум ҳолатда ифодалаш орқали; уларнинг ички белгиларини тақдим этиш орқали, яъни китобхонга уларнинг қай тарзда фикрлашини ва нималарни кадрлашини кўрсатиш орқали²³. Кўплаб машхур ёзувчилар сингари Ж. Гришэм ушбу усулларнинг иккинчи қисмига таянади ва Жейкка ўхшаган муҳим образлар ифодасини кучайтириш учун бироз тўғридан тўғри ифодадан фойдаланади.

